



## ФРАЗЕОЛОГИК ИБОРАЛАР СИНТАКТИК ДЕРИВАЦИЯСИ

*Шодиев Санъат,  
СамДЧТИ катта ўқитувчиси*

**Калит сўзлар:** *Деривация, синтактик деривация, предикатив гап қолипидаги иборалар, нопредикатив гап қолипидаги иборалар, нопредикатив фразеологик иборалар, туб структура, таянч структура.*

Фразеологик ибораларнинг деривацион хусусиятлари ҳақида сўз юритишдан олдин деривациянинг мазкур тури лексик нуктаи назардан ёки синтактик нуктаи назардан аҳамият касб этадими, деган саволга жавоб бериш лозим деб ўйлаймиз. Бу ўринда иборанинг тил бирлиги эканлиги эътиборга олинса, мазкур деривациянинг лексик аҳамият касб этишини назарда тутмоқ лозим. Бирок иборанинг ўзига хос сўз бирикмаси эканлигини биринчи планга қўядиган бўлсак, у ҳолда синтактик деривация хусусида сўз юритишга тўғри келади. Ваҳоланки, ибора мазмуний жиҳатдан яхлитлик касб этиб сўзга ўхшаса ҳам, шаклий кўриниши сўз бирикмасига ва маълум бир тури предикативлик белгисига эга бўлган гапга ўхшайди.

Юқоридагилардан ташқари, ибора турғун характерли бўлгани учун унинг компонентлари муносабатини ҳам, гарчи кўп ўринларда жонли бўлса-да, том маънода динамик деб бўлмайди. Бирок шундай бўлишига қарамай, деривациянинг мазкур турини синтактик деривация деб атамоқдамиз. Зотан, бунда синтагматик муносабат морфемалар ўртасида эмас, балки сўзлар ўртасида шаклланади.

Фразеологик иборалар синтактик деривацияси ҳам умумий планда турғун бирикмалар (соф турғун бирикмалар, парафразалар ва таркибли терминлар) деривацион тамойилларидан кескин фарқ қилмайди. Улар ўртасидаги фарқ гап қолипидаги иборалар материалида кузатилади. Қуйида аввал нопредикатив, кейин эса гап қолипидаги предикативли иборалар синтактик деривацияси талқинига тўхталамиз.

Сўз бирикмаси қолипидаги нопредикатив фразеологик иборалар

синтактик деривацияси турлича морфологик воситалар ёрдамида ҳамда бирикма компонентларининг (семантик) дистрибутив салоҳиятига асосланиши мумкин:

**1. Саида ...буни муҳокамага қўйишни кўнглига тугиб қўйди (А.Қаҳҳор. Синчалак).**

**2. Тўғриси, дўстларини йўлдан урган ҳам Машраб бўлди (О.Ёқубов. Эр бошига иш тушса).**

**3. Бу жуда нозик гап, албатта (О.Ёқубов. Эр бошига иш тушса).**

**4. Кўчқор шу маҳалгача бирорта қизга кўнгил берган эмас (О.Ёқубов. Эр бошига иш тушса).**

Келтирилган мисолларнинг биринчисида **кўнгилга тугмоқ** ибораси қатнашиб, унинг синтактик деривацияси – га оператори билан узвий боғланмоқда. Зотан, ана шу восита ёрдамида бирикманинг компонентлари ўртасида синтактик алоқа вокеланмоқда. Агар бирикмани дериват тарзида оладиган бўлсак, унинг операндлари **кўнгил** ва **тугиб қўймоқ** сўзларидир.

Шуни ҳам айтиш керакки, сўз бирикмаси, шу жумладан, турғун бирикмалар синтактик деривацияси бирор бир туб структурага ва у орқали таянч структурага асосланмайди. Бунинг асосий боиси сўз бирикмасининг доимий равишда ҳосила структурани ташкил этишидир. Гапнинг синтактик деривацияси эса туб структура асосида шаклланган таянч структурага асосланиши муқаррардир. Бирок сўз бирикмасининг бирор туб структурага асосланмаслигини унинг таркибида келадиган бош (ҳоким ёки таянч) компонент тушунчаси билан қориштириб юбормаслик лозим. Чунки мазкур тушунча бирикманинг семантик



асоси билан боғлиқ бўлиб, у деривацион нуктаи назардан аҳамият касб этмайди<sup>1</sup> [Турниёзов 1998: 20].

Деривацион нуктаи назардан бирикма компонентларининг тилнинг ёки нутқнинг қандай унсурлари орқали синтактик боғланиши ва шу асосда ҳосила структуранинг вужудга келиши устувор аҳамият касб этади.

Юқоридаги берилган иккинчи мисолда **йўлдан урмоқ** ибораси иштирок этмоқда. Бу ўринда синтактик деривация оператори –дан (келишик қўшимчаси) унсуридир. Айтиш жоизки, биз кўриб ўтаётган ҳар икки ибора (**кўнглига тугмоқ, йўлдан урмоқ**) мисолида ҳам уларнинг ички деривацион хусусиятлари ҳақида сўз юритилмоқда. Мазкур ибораларнинг нутққа киритилиши масаласи эса гапнинг (ёки микромаатннинг) синтактик деривацияси тамойилларига бўйсунди. Масалан, **кўнглига тугмоқ** ибораси нутққа равишдошнинг –иб қўшимчаси, **йўлдан урмоқ** ибораси эса сифатдош ясовчи –ган аффикси воситасида нутққа киритилаётганини кўрамиз: **Саида ...кўнглига тугиб қўйди.,... дўстларини йўлдан урган ҳам Машраб бўлди.**

Келтирилган мисолларнинг сўнги иккитасида иборалар синтактик деривацияси компонентларининг дистрибутив салоҳияти воситасида воқеланмоқда: **нозик гап, кўнгил бермоқ.** Бу ўринда деривация операндлари бирор морфологик унсур орқали боғланмапти. Уларнинг синтактик муносабати мазмунига кўра ташкил этилмоқда.

Баъзи ибораларда уларнинг синтактик деривацияси яширин ҳолда келаётган (белгисиз) операторга асослангандек кўринади. Масалан, куйидаги иборанинг синтактик шаклига эътибор берайлик:

1. **Фалончининг авлоди, деб кўзимизга чўп солмоқчи бўлишди (О.Ёқубов. Эр бошига иш тушса).**

2. **–Вой хом сут эмган банда-ей (И.Раҳим.Оқибат).**

3. **Иссиқлик ҳароратиданми, чарчоқликданми, ҳамма кўз сузиб жим ўтирарди (И.Раҳим.Оқибат).**

Айни пайтда исътемолда бўлган **кўзимизга чўп солмоқчи бўлишди, хом сут эмган** ибораларининг ҳам деривацияси ноль операторга асосланмоқда. Ибора деривациясини **кўзимизга чўп солмоқчи бўлишди, хом сут эмган, кўзни сузиб** тарзида тасаввур этолмаймиз. Чунки ибораларнинг синтактик шаклланиши меъёри бунга йўл қўймайди. Ибора деривацияси операторининг реал морфологик восита орқали ифодаланишини деривация операндлари синтактик боғланишининг ўзи талаб қилади. Бундай операторни дериват таркибидан тушириб бўлмайди:

1. **–Э, қўйсанг-чи, аравани қуруқ олиб қочмасдан, –деб пўнғиллади (О.Ёқубов. Эр бошига иш тушса).**

2. **–Ҳа, шунақа қилишувди, хозир билсак ... у ҳам туёғини шиқиллатиб қолибди (О.Ёқубов. Эр бошига иш тушса).**

3. **Бу гаплар Акмалнинг ярасига туз сепгандай бўлди-ю, ахийри Гулчехра билан бир гаплашишга аҳд қилди (О.Ёқубов. Эр бошига иш тушса).**

Айни пайтда биринчи мисолда **аравани қуруқ олиб қочмоқ**, иккинчи мисолда **туёғини шиқиллатиб қолмоқ**, учинчисида эса **ярасига туз сепмоқ** фразеологик иборалари қатнашмоқда. Бу ўринда бирикмалар синтактик деривациялари –ни (биринчи ва иккинчи мисолларда), –га (учинчи мисолда) каби келишик аффикслари билан ифодаланган операторларга асосланмоқда. Мазкур операторларни деривацион жараённинг ўзи талаб қилмоқда ва шу боис уларнинг иштирокисиз берилган ибораларнинг синтактик шаклини тасаввур этиб бўлмайди. Қиёсланг: **арава қуруқ олиб қочмоқ, туёғи шиқиллатиб қолмоқ, яраси туз сепмоқ.**

Шуниси характерлики, келтирилган ибораларнинг учинчисида бирикма ичида бирикмани кўрамиз: **ярасига туз сепмоқ-туз сепмоқ-ярага сепмоқ.** Кўринадики, **туз сепмоқ, ярага сепмоқ** бирикмалари компонентлари идиоматик маъноли эмас ва шунинг учун улар эркин сўз бирикмаларини ташкил этади. Бирок



контаминация ҳодисасига асосланган<sup>2</sup> [Мурзин, 1984:16] ва механик тарзда трансформация қилинаётган мазкур эркин бирикмалар пировард натижада фразеологик ибора шаклидаги турғун сўз бирикмасини ҳосил қилмоқда. Қизиғи шундаки, яра сўзи ярага (ярасига) сепмоқ бирикмасида мажозий маъно ифодаламагани ҳолда ярасига туз сепмоқ бирикмасида мажозий маъно ифодалаш учун хизмат қилмоқда.

Берилган бирикмада компонентлар синтактик муносабати тўлиқ кўзга ташланади: **яра+си+га туз+ни сепмоқ**. Бироқ компонентлар синтактик муносабатини ташкил этаётган морфологик унсурлар ичида айни пайтда – га аффикси устувор аҳамият касб этмоқда. Бунинг асосий боиси унинг бирикма синтактик деривацияси оператори вазифасида келаётгани билан узвий боғлиқдир.

Юқоридагилардан ташқари, берилган фразеологик ибора синтактик деривацияси икки босқичда воқеланаётгани ҳам ўзига хосликка эгадир. Бошқача айтганда, ибора синтактик деривациясининг биринчи босқичини операторига асосланиб шаклланган **туз(ни) сепмоқ** эркин бирикмаси синтактик деривациясини тақозо этади. Деривациянинг иккинчи босқичи эса, **туз(ни) сепмоқ** эркин бирикмаси асосида шаклланган ярасига туз сепмоқ тарзидаги турғун бирикманинг воқеланиши билан яқунланади. Бу жараёнда, албатта, деривациянинг шартига кўра таянч структура таркибидаги оператор бекор қилинади (бизнинг мисолимизда-ни (тузни) ва янги дериват операторга асосланади (-га оператори: **ярасига): туз (ни) сепмоқ** таянч структура вазифасидаги ҳосила – **ярасига туз сепмоқ**-деривация натижаси – сўнги ҳосила).

Юқорида берилган биринчи ва иккинчи мисоллардаги фразеологик иборалар (аравани қуруқ олиб қочмоқ, туёғини шиқиллатмоқ) деривацияси бир босқичли бўлгани учун уларда мураккаб деривацион операциялар кузатилмайди.

Шуниси ҳам борки, баъзи фразеологик ибораларда қўлланадиган сўзлар мустақил маъно англатмайди. Бундай ҳодисани кўпроқ фразеологик чатишма, баъзан фразеологик бирлашма деб аталиб келинаётган ибораларда кўпроқ кузатамиз: **Тоқати тоқ бўлмоқ, томдан тараша тушмоқ** ва ҳ.к.

Бу сингари фразеологик иборалар ҳақида сўз юритганида Н.М.Шанский улар таркибида қўлланилган лексик бириклар сўзга хос бўлган барча белги ва сифатларини йўқотади, деган хулосага келади<sup>3</sup> [Яхшибоев Х.-Самарқанд, 2004].

Бу ҳақда ишимизнинг олдинги саҳифаларида фикр билдирилган эди. Мазкур мулоҳаза билан қўшилиш қийин. Чунки маъно салмоғи мутлақо тарк этилишидан қатъий назар, сўз сўзлигича қолади. Буни аналогик иборалар компонентларининг синтактик муносабатида ҳам кузатиш мумкин. Зотан, маъносиз сўзлар деривацион муносабатга кириша олмайди. Фикр исботи учун қуйидаги мисолга мурожаат этайлик: **Акмалнинг ўрнида бўлса, Кўчқор дўппини осмонга отарди (О.Ёқубов. Эр бошига иш тушса).**

Бу ўринда қўлланилган **дўппини осмонга отмоқ** ибораси маъносига кўра **шодланмоқ, севинмоқ** сўзларининг муқобили бўла олиши шубҳасиздир. Бироқ шу билан ибора компонентлари ўз маъноларида қўлланилмаётган бўлса-да, фразеологик бирикма таркибий қисмлари сўз мақомини тарк этаяпти, дейиш ноўриндир. Улар, бизнингча сўзлигича қолади ва бири иккинчиси билан синтактик алоқага киришаверади. Бошқача айтганда, иборанинг биринчи галда унинг семантик жиҳатдан яхлит ҳолдаги маъно англатиши билан боғлиқдир. Синтактик муносабат эса иборанинг ҳар қандай турида ҳам кузатилади. Айни пайтда ҳам буни берилган иборанинг синтактик деривациясида кўришимиз мумкин.

Мазкур ибора синтактик деривацияси ҳам икки босқичли бўлиб, унинг ҳар бир босқичи алоҳида операторга таянмоқда: деривациянинг биринчи босқичида мустақил маъно англатувчи **дўпписини**



**отмоқ, осмонга отмоқ** каби икки эркин бирикманинг қоришуви кузатилади. Ўзаро қоришаётган сўз бирикмаларининг ҳар бири ҳосила структураларни тақозо этади. Иккинчи босқичда эса эркин сўз бирикмалари деривацияси операторлари (**-ни: дўписини, -га: осмонга**) дастлаб инкор этилади ва шундан сўнг **-га** оператори қайта тикланиб унга ибора синтактик деривациясини шакллантириш вазифаси юклатилади. Мазкур жараёнда деривация маҳсули сифатида ибора колипидаги турғун бирикма воқеланади.

Шуни ҳам айтиш лозимки, мазкур турғун сўз бирикмаси компонентларини кўчма маънода эмас, балки ўз лексик маъноларида қўлланилган деб фарз қилганимизда ҳам уларнинг синтактик муносабатида ҳеч қандай ўзгариш содир бўлмайди. Бу эса ўз навбатида, турғун бирикманинг ибора мақомида келиши унинг маъно яхлитлиги ва бир пайтнинг ўзида мажозийлиги билан боғлиқ эканлигидан далолат беради.

Аксарият ҳолларда фразеологик ибора компонентлари орасига бошқа бир сўзни киритиш ҳам мумкин. Бундай вазиятда иборанинг синтактик шакли кенгайди. Бироқ бу орқали унинг семантик яхлитлиги қай тарзда ибора мақомига эга бўлаётган бўлса, ўша салмоқ сақланади. Масалан:

**1. Исоқ отаси ўлганда, кўнгли ана шундай хувуллаб қолган эди (Й.Шамшаров.Чироқ).**

**2. У хаёлини зўрға жиловлаб олди (Й.Шамшаров.Чироқ).**

**3. Лекин ажабо: ҳар ўтганда янги бир нарса топгандай бўлиб, кўнгли аллақандай ёришиб кетади (О.Ёқубов. Эр бошига иш тушса).**

Берилган мисолларда **хаёлини олиб қочмоқ, кўнгли хувуллаб қолмоқ, хаёлини жиловлаб олмоқ ва кўнгли ёришмоқ** иборалари қўлланилиб, улар компонентлари орасига ана шундай (биринчи мисолда), **зўрға** (иккинчи мисолда), **аллақандай** (учинчи мисолда) сўзлари киритилганини кўрамиз. Мазкур сўзлар келтирилган ибораларнинг синтактик деривацияси учун бирор аҳамият касб этмайди, зотан, деривация қатъий белгиланган ибора компонентлари материалида воқеланади. Бироқ шундай бўлса-да, кўшимча тарзда киритилаётган сўзлар дериват операндлари ҳажмини маълум даражада кенгайтиради. Семантик нуқтаи назардан эса улар иборалар фразеологик маъноларига кўшимча маъно тиркайди. Масалан, биринчи мисолда **ана шундай** бирикмаси фразеологик маънони таъкидлаш учун, иккинчи мисолда **зўрға** сўзи ибора маъносининг шаклланиши тарзини кўрсатиш учун, учинчи мисолда **ажабо** сўзи эса маънога ноаниқлик, гумон белгисини киритиш учун хизмат қилмоқда.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, ибора бир пайтнинг ўзида семантик деривациянинг ҳам, синтактик деривациянинг ҳам маҳсули саналади. Унинг семантик деривация маҳсули эканлиги аксарият ҳолларда компонентлари луғавий маънолари билан эмас, балки кўчма маъно билан изоҳланади. Синтактик деривация тамойиллари эса ибора шаклланишида ҳам эркин сўз бирикмаларида қандай бўлса, шундайлигича амал қилади. Бироқ гап колипидаги иборалар деривацияси бундан истиснодир. Чунки бу ўринда туб ва таянч структура тушунчалари ҳам аҳамият касб этади.

#### Адабиётлар:

1. Турниёзов Н. Назарий грамматикадан очерклар.-Самарқанд. 1998.
2. Мурзин Л.Н. Основы дериватологии. -П.,1984.
3. Таянч структура ҳақида, қаранг: Яхшибоев Х. Ҳозирги ўзбек тилида содда гап синтактик деривацияси // Номз.дис.автореф.-Самарқанд, 2004.



*Шодиев С. Синтаксическая деривация фразеологических единиц. В статье рассматриваются деривационные особенности фразеологических единиц. Автор демонстрирует анализ использования фразеологических единиц в узбекских литературных текстах. Более того, автор освещает и разъясняет основные принципы взаимосвязи лексических единиц в фразеологических единицах.*

*Shodiyev S. Syntactic derivation of phraseological units. The article investigates the derivational peculiarities of phraseological units. The author demonstrates analyses of some extracts from original Uzbek literary texts with the usage of phraseological units. The article also enlightens and describes main principles of relations of lexical units within phraseological units.*

---

---